

4-27-2020

THE OBJECTIVE NEED FOR THE DEVELOPMENT OF ECOTURISM IN THE FERGANA ECONOMIC TERRITORY

Obidjon Khafizovich Khamidov
associate professor of BSU, doctor of economics

Hulkarbonu Yoqubovna Yoqubjonova
researcher of BSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Economics Commons](#)

Recommended Citation

Khamidov, Obidjon Khafizovich and Yoqubjonova, Hulkarbonu Yoqubovna (2020) "THE OBJECTIVE NEED FOR THE DEVELOPMENT OF ECOTURISM IN THE FERGANA ECONOMIC TERRITORY," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 4 : Iss. 2 , Article 10.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss2/10>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

**ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ ХУДУДИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ОБЪЕКТИВ ЗАРУРЛИГИ**

**ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ РАЗВИТИЯ ЭКОТУРИЗМА НА
ФЕРГАНСКОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ТЕРРИТОРИИ**

**THE OBJECTIVE NEED FOR THE DEVELOPMENT OF ECOTURISM
IN THE FERGANA ECONOMIC TERRITORY**

Хамидов Обиджон Хафизович

БухДУ доценти, и.ф.д.,

Ёқубжоновна Хулкарбону Ёқубовна

БухДУ тадқиқотчиси

Khamidov Obidjon Khafizovich

associate professor of BSU, doctor of economics,

Yoqubjonova Hulkarbonu Yoqubovna

researcher of BSU

Аннотация. Ушбу мақола экологик туризмни ривожлантиришда маҳаллий аҳолининг ишчи кучи сифатидаги аҳамияти ўрганилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, маҳаллий аҳолининг экотуризм ривожига ўрнини шакллантириш борасидаги ўтказилган бу тадқиқот лойиҳаси экотуризм хизматларининг сифатини яхшилаш ва тадқиқот ҳудуди бўлган Чодакка кўпроқ экосайёҳларни жалб этиши учун ишлаб чиқилган. Бу маҳаллий аҳолига экотуризмдан даромад олишга кўпроқ имконият яратади. Бундан ташқари, энг муҳим ҳудуддаги яхши йўл тармоғи сингари инфратузилмани яхшилашга ҳам ёрдам беради.

Таянч сўзлар: миллий иқтисодиёт, экологик туризм, хизмат кўрсатиши соҳаси, Чодак қишлоғи, табиий ресурс, маҳаллий аҳоли, атроф-муҳит.

Аннотация. Данная статья объясняется изучением роли местного населения как рабочей силы в развитии экотуризма. Кроме того, этот исследовательский проект, посвященный формированию роли местного населения в развитии экотуризма, призван улучшить качество услуг по экотуризму и привлечь больше экотуристов в район исследования Чодак. Это создаст больше возможностей для местного населения извлечь выгоду из экотуризма. Это также помогает улучшить инфраструктуру, такую как хорошая дорожная сеть в наиболее важной области.

Ключевые слова: национальная экономика, экотуризм, сфера услуг, деревня Чодак, природные ресурсы, местное население, окружающая среда.

Abstract. This article is explained by the study of the role of the local population as a labor force in the development of eco-tourism. Also, this research project on shaping the role of the local population in the development of ecotourism is designed to improve the quality of ecotourism services and attract more eco-tourists to Chodak, the study area. This will create more opportunities for the local population to benefit from ecotourism. It also helps to improve infrastructure, such as a good road network in the most important area.

Key words: national economy, ecotourism, service sector, Chodak village, natural resource, local population, environment.

Миллий иқтисодиётда туризмнинг алоҳида фаол йўналиши бўлган тури барқарорлигини таъминлашда маҳаллий аҳоли ишчи кучи сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Экотуризм тараққиётида маҳаллий аҳолининг ўрни камдан-кам ҳолларда ўрганилади, лекин мазкур йўналишда маҳаллий аҳоли алоҳида ўрин тутиб, унинг ривожланишига сезиларли даражада ёрдам беради, яъни ҳудудларнинг табиий ва маданий меросини сақлаб қолиш ва маҳаллий аҳоли турмуш даражасини яхшилаш сингари ҳолатлар бунинг яққол тасдиғидир. Бундан ташқари, экотуристлик ҳудуд атрофида яшовчи аҳоли кўпинча

экотуризмдан даромад олишга ҳаракат қилади. Лекин экотуризм барқарор ривожлангандагина, маҳаллий аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини тўлиқ қоплайди. Шунинг учун маҳаллий аҳоли экотуризмнинг ижтимоий-иқтисодий қиймати ҳақида билимга эга бўлиши муҳимдир.

Маҳаллий аҳоли экотуризмни ривожлантириш лойиҳаларига кўшилса, экотуризмни ривожлантириш тадқиқот лойиҳаси самарали бўлади. Экотуризм лойиҳасини амалга ошириш жараёнида маҳаллий аҳолига кўпроқ фойда беришга қаратилган қарорлар қабул қилиш лозим. Шу билан бирга, чекка қишлоқларда мазкур тармокни бугунги кунда ривожлантиришдаги жиддий камчиликларни таъкидлаш жоиз, хусусан, бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг истиқболли манбаи сифатида хизмат кўрсатиш ва сервис имкониятларидан кам фойдаланилмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, қишлоқ жойларда суст ривожланмоқда, бу ерда катта капитал маблағ талаб қилмайдиган ва хусусий тадбиркорлик учун жозибador бўлган кўпгина анъанавий хизмат турлари етарли даражада ривожланмаяпти ва қишлоқ аҳолисининг улардан фойдаланиш имкониятлари камлигича қолмоқда[1]. Шу билан бирга кўрсатилаётган хизматларнинг эришилган даражаси ва сифати, айниқса қишлоқ жойларда, иқтисодий ривожланган мамлакатлар даражасига, республика аҳолисининг реал талабларига, мавжуд ресурслар ҳамда имкониятларга ҳали мос келмаяпти.

Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, аввало, қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматларнинг турини кенгайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ва бунинг асосида мамлакат иқтисодиётини барқарор ва шиддатли ривожлантиришда, аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадини кўпайтириш ва фаровонлигини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ҳамда аҳамиятини ошириш мақсадида[2] қишлоқ ҳудудларида “...экологик, тиббий-соғломлаштириш, спорт туризми, шунингдек, яқка тартибдаги қишлоқ меҳмонхона уйлари негизида агротуризмни ўз ичига олган замонавий туристик хизматлар турларини устувор ривожлантириш зоналарини белгилаш...”[3]вазифалари кўйилганлиги туризм соҳасига қишлоқ жойларда ҳам катта эътибор қаратиш заруратини тақозо этмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, республикамизнинг юқори даражада ўзлаштирилган ва ҳудуди кичик бўлган 5 та вилояти таркибида Андижон(1 %), Наманган (1,7 %), Фарғона(1,5) вилоятларининг мавжудлиги, уларнинг аҳоли сони бўйича мамлакатдаги улуши 36,8%(ҳудуд бўйича улушидан 5,8 марта кўп), ялпи ички маҳсулот бўйича 22,2% (ҳудуддаги улушидан 4,4 марта кўп), қишлоқ хўжалиги – 36,4 %(ҳудуддаги улушидан 5,7 марта кўп), мелиоратив ҳолати ёмон бўлган ерлар – 28,4 %(ҳудуддаги улушидан 4,4 марта кўп), вилоятлар ҳудудидаги МЭТХлар майдони улуши атиги – 1,2 %(республика ўртача кўрсаткичидан (5,1 %)4,3 марта кам), шўрланиш даражаси 33,3 %га(республика ўртача кўрсаткичидан (50,5 %) 17,2 % кам) тенг. Мазкур вилоятларда аҳоли зичлиги 395,7 киши/км² бўлиб, бу республика ўртача кўрсаткичидан (69,1 киши) 5,7 марта кўпдир.

Бу кўрсаткичлар мазкур вилоятларда табиатга антропоген босимнинг анча юқорилигини ва бу ҳолат, ўз навбатида, табиатни асраш ва муҳофаза қилиш бўйича кўплаб тадбирларни амалга оширишни объектив заруратга айлантиради [4].

Шу мақсадда ўтказилган тадқиқотнинг мақсади, экотуризмни ривожлантириш лойиҳасини қўллаб-қувватловчи ўз хиссасини кўшишга тайёр аҳолининг тахминий миқдорини аниқлаб топишдир. Тадқиқот объекти сифатида Наманган вилояти Поп туманининг Чодак қишлоғи танлаб олинди. Чодак экотуризмни ривожлантириш мумкин бўлган қишлоқдир. Ҳудуди 80 гектар, аҳолиси 29 000 кишини ташкил этади. Денгиз сатҳидан баландлиги 1000 дан 1 700 метргача. Ўрмон хўжалиги ва паст текисликлардан иборат. Ўрмон ҳудудида турли гиёҳларни йиғиш ва қушларни кўришдан ташқари экосайёҳлар учун юриб саёҳат қилиш, спорт билан шуғулланиш, қайиқда томоша қилиш учун имкониятлар мавжуд. Машҳур Ангор(Анқара)оқ эчкичисининг зоти айнан шу ерда яратилган [5].

Баъзи тарихий манбаларда қайд этилишича, милодий 529 йилларда ушбу экотуристик ҳудудда махсус овчилик сир-асрорларини ўргатадиган мактаб очилган[6]. Ушбу қишлоқ аҳолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳисобига кун кўради. Чорвачилик, қорамолчилиқ, қўйчилиқ ва эчкичилиқ яхшигина ривожланган. Хонобод деб номланувчи алоҳида ҳудуди эчки етиштириш, парваришлаш, ундан қўл меҳнатига асосланиб, маҳаллий маҳсулотлар(рўмол, пайпоқ) тайёрлаб, узоқ хорижий мамлакатларга етказиб бериш билан шуғулланади. Лекин табиатдан туризм мақсадида фойдаланиш қониқарли даражада эмас.

Фикримизча, иқтисодийнинг экотуризм соҳасида хизмат кўрсатиш сифати яхшилансагина, маҳаллий аҳоли кўпроқ экотуризмда иштирок этиш ва ундан фойдаланиши мумкин.

Бу ҳудудда Абу Али ибн Сино номли давлат ихтисослаштирилган ўрмон хўжалиги (ҳудудда экотуризмнинг тоғ туризми, доривор гиёҳларни териш, ўрмон туризми, уйғунлашган туризм йўналишларини ривожлантириш имконияти мавжуд) атрофида яшовчи маҳаллий аҳолининг 500 тасидан шахсий интервьюлар ўтказилди. Ҳудудда экотуризмни ривожлантириш учун ҳар бир оила ўртача йиллик даромадининг 1 %ини беришга тайёр.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, маълумотлар тўплашда респондентлар билан юзма-юз суҳбатлар ўтказилди. Ўрганиш майдонида сентябрь ойида 100 та тасодифий танланган шахсни қамраб олган эди. Катта миқдордаги сўров октябрь ойида ўтказилди. Кўчаларнинг ҳар биридаги уйлар ҳар бир қишлоқ зиёрат қилинди. Ҳар бир танланган уйда энг катта эркакдан интервью олинди. Суҳбатлар тожик ва ўзбек тилида ўтказилди. Тадқиқот соҳасидаги респондентлар (ҳар бир маҳалладан 100 нафар респондент)дан жами 500 та респондентдан интервью олинди. Тадқиқот иштирокчиларга демографик саволлар берилди.

Мазкур тадқиқот лойиҳаси экотуризм хизматларининг сифатини яхшилаш ва Чодакка кўпроқ экосайёҳларни жалб этиш учун ишлаб чиқилган. Бу маҳаллий аҳолига экотуризмдан даромад олишга кўпроқ имконият яратади. Бундан ташқари, энг муҳими яхши йўл тармоғи каби инфратузилмани яхшилашга ёрдам беради. Ҳудудда кўнгилчилар томонидан ўқув майдони ташкил этиш лозим. Жамоа мактаблари, ўқув курсларини ташкил этиш кабилар экотуристлик инфратузилмани таъминлашга ёрдам беради. Бу каби чора-тадбирлар соҳанинг тараққий этиб боришини таъминлайди. Шу тариқа белгиланган саволларга респондентлардан сўров натижалари олинди. Аҳоли ўртасида сўров ўтказиш орқали ҳудудда экотуризмни қандай қилиб ривожлантириш мумкинлиги ҳақида анкета сўровидан фойдаланилди.

Улардан олинган тарқатма натижаларига кўра, ҳудудда экотуризм хизматларининг сифатини яхшилаш учун маҳаллий аҳоли ҳар қандай ёрдамни беришга тайёр.

Маҳаллий жамоалар экотуризмни ривожлантириш лойиҳаларига фаол равишда қўшилсагина, маҳаллий жамоаларда кўпроқ одамларга фойда беришга қаратилган қарорлар қабул қилинади, ҳудудларда экотуризм барқарор ривожланади.

Барқарор экотуризмни ривожлантириш концепцияларидан бири манфаатдорлик ва манфаатларни маҳаллий жамоаларга таъминлашдир. Бироқ маҳаллий жамоаларнинг ҳудудда экотуризм ривожланишидан қандай фойда олишларини исботлаш учун уларда кўникмаларни шакллантириш жараёнининг етарли эмаслиги кузатилади. Поп туманининг экоҳудудларидан бири бўлган Чодак қишлоғида экотуризмни ривожлантиришда маҳаллий аҳолининг иқтисодий салоҳияти ўрганилди. Экотуризм тараққиётининг иқтисодий таъсирини ўрганиш жараёнида таъкидланган экотуризмнинг ижобий фойдалари бу экотуризм ривожланишининг иқтисодий таъсири маҳаллий аҳоли одатда даромад олиш, иш билан таъминланиш нуқтаи назаридан ўрганиши мумкин бўлган имкониятлар, бизнес имкониятлари бўлиши мумкин.

Биз олиб бораётган тадқиқотнинг мақсади, экотуризм ҳудудларини кенгайтириш, асраб-авайлаш, инфратузилмаларни такомиллаштириш орқали ўзаро чамбарчас уйғунликда, жамоавий тарзда молиявий қўллаб-қувватлаб яхлит ривожлантиришдан иборатдир. Тадқиқот жараёни 5 босқичда амалга оширилди. Булар қуйидагилардан иборат:

1-босқич.Тажриба-экспериментнинг мақсадини белгилаш. Фарғона иқтисодий ҳудудида экологик муаммоларни ҳал этиш ва биохилма-хилликни сақлаш мақсадида бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси[7] фаолиятига кўмак

беришни назарда тутган ҳолда молиялаштириш ҳисобланади. Экотуризмни ривожлантиришда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш масалаларига жиддий ёндашиш, семинар-тренинг, яқка тартибда тарғибот-ташвиқот қанчалик муҳимлигига аниқлик киритиб, унинг ижобий натижаларини илмий асослашдан иборатдир. Худудда Наманган вилоятининг экотуристлик қишлоғи бўлган Чодак қишлоғида тадқиқотни амалга ошириш жараёнида бевосита молиявий маблағларга тегишли эмпирик тадқиқот ўтказилди. Чодак қишлоғига қарашли бўлган 5 та маҳалла Байон, Шайхон, Майдон, Истиқлол, Боғишамол каби маҳаллаларда ҳар бир маҳалладан 100 тадан оилаларга ташриф буюрилди. Объектда респондентлар сони 500 тани ташкил этди; респондентлардан юзма-юз сўровлар ўтказилди.

2-босқич. Эксперимент шартларини аниқлаштириш. Тадқиқотни холис, адолатли ўтказиш мақсадида респондентлар фикр-мулоҳазалари ва таклифларига таянган ҳолда истиқболда соҳани ривожлантириш прогнозларини белгилаш ҳисобланади.

Сўровномани ҳар бир ихтиёрий кириб борилган оила хонадонида энг катта ёшлилар тўлдириб бердилар. Айтиш кунда худудда Баён – 1172 та оила, Шайхон – 998 та оила, Майдон - 601 та оила, Истиқлол – 916 та оила, Боғишамол маҳалласида - 710 та, жами - 4397 та оила истиқомат қилади. Худуддаги маҳаллий аҳолини экологик маданиятини юксалтириш, дахлдорлик ҳиссини жонлантириш, она табиатга нисбатан бирдек масъулликни ошириш орқали экотуризм худудларини жамоавий тарзда молиялаштиришни ташкил этишни тажриба-синовдан ўтказишдан иборатдир. Сиз “Атроф-муҳит муҳофазаси учун экотуризмни ривожлантириш лойиҳаси” да қатнашишга розимисиз? деган таклиф берилиб, сўровномалар респондентлар қўлларига тарқатилди.

1-жадвал

**“Атроф-муҳит муҳофазаси учун экотуризмни ривожлантириш”
лойиҳаси анкета-сўровномалари**

1.	Маълумотингиз	Ўрта, махсус, олий, ундан кейинги (тагига чизинг)			
2.	Касбингиз				
3.	Респондент жинси	Эркак	Аёл		
4.	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси деганда нимани тушунасиз?				
5.	Худудда сизнингча, экотуризмни халқаро даражада қандай ривожлантириш мумкин?				
6.	Экотуризм хизматларининг сифатини яхшилаш учун қандай ёрдам беришга тайёрсиз?				
7.	Ўртача йиллик даромадингиз				
8.	Йиллик даромадингизни қанча қисмини худудда экотуризмни ривожлантиришга қўшишга розисиз?	0 %	1 %	3 %	ихтиёрий

3-босқич. Ҳисоб-китоб натижалари аниқлигини ҳисоблаш. 3 кунлик семинар-тренингдан сўнг 500 нафар респондентдан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, умумий респондентлар сонининг 4%и, яъни 20 киши ҳеч қандай ёрдам бермаслигини айтиб бош тортди. 6% респондент, яъни 30 киши йиллик даромадининг 1% ҳисса қўшишга, 9 фоизи, яъни 45 киши қўлдан келадиган ҳар қандай ёрдамни ва 30%гача даромад қўшишга тайёр эканлиги аниқланди. 69% респондентлар, яъни 345 нафар респондент 3 %гача йиллик даромадини қўшишга тайёрлар.

4-босқич. Тажриба натижаларини статистик қайта ишлаш. Респондентлардан олинган натижаларга кўра, Чодакда истиқомат қилувчиларнинг ўртача йиллик даромади 11 млн. сўмни ташкил этади.

5-босқич. Натижаларнинг изоҳи. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, сўровноманинг таклифларингиз ва имкониятларингиз деган бандини респондентлар тўлдириб бердилар. (2-жадвал).

69 % энг юқори натижага эга н респондентларнинг ўртача йиллик даромадини аниқлаймиз, яъни у 12 млн. сўмни ташкил этади. 12 млн.ни кўпайтирамиз респондентлар сони – 345 га фаразий маълумотларимиздан кўринадики, 345 та респондент, йилига 330 000 минг сўмдан экотуризм хизматларини яхшилаш учун ҳисса қўшиши мумкин.

Наманган вилоятига тегишли экотуризм ҳудуд – Чодак қишлоғида ўтказилган тадқиқот натижалари

№	Респондентларнинг имкониятлари	Ўтказилган сўров натижалари							
		0%		1%		3 %		ихтиёрий%	
		сон	% кўрсат- кичида	сон	% кўрсат- кичида	сон	% кўрсат- кичида	сон	% кўрсат- кичида
1.	Ҳеч қандай ёрдам беришни хоҳламайди	20	4	0	0	0	0	0	0
2.	Йиллик даромадининг 1%	0	0	30	0	0	0	0	0
3.	Йиллик даромадининг 3%	0	0	0	0	345	69	0	0
4.	Йиллик даромаднинг 30%гача	0	0	0	0	0	0	9	45
	жами	20	4	30	6	345	69	9	45

Муаллифлар томонидан тузилган.

345 ни кўпайтирамиз, 330 000 га натижа 113 млн.850 минг сўм бу йиллик экотуризм хизматларини яхшилаш учун маҳаллий аҳоли кўшиши мумкин бўлган даромад. Қишлоқда истиқомат қилувчи жами оилалар сони эса 4 минг 397 тани ташкил этади.

Экотуризм ҳудудларини барпо этиш жараёнида энг долзарб муаммолардан бири молиявий маблағлар ҳисобланади.

Тадқиқот жараёнида олинган натижалар экотуризмнинг барқарор бошқарувини амалга оширишда ёрдам бериб, соҳа ривожига маҳаллий аҳолини ўз ҳиссаларини қўшишга тайёрлик, даромад, ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш гуруҳига аъзо бўлиш сингари кўникмаларни шакллантиришда ёрдам беради.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, маҳаллий аҳолининг экотуризмдан иқтисодий рағбат кўриши уларнинг фаол ҳаракатини таъминлаб беради, яъни экотуризм ҳудудида сайёҳ учун саёҳат қилишнинг яна қандай турларини ташкиллаштириш борасида изланади. Ҳудудда рақобат вужудга келади. Бу эса ўз-ўзидан ҳудудга тегишли экотизим эҳтиёт қилинади, маҳаллий аҳолига иқтисодий кўмак, маҳаллий аҳоли ва сайёҳлар ўртасида илик муносабатлар, халқаро даражадаги саломатликка кўмаклашиш, мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги янги йўналиши бўйича барқарорлигини таъминлаб бериши кузатилади. Лекин бу соҳада экотуризм объектларидан самарали фойдаланишдаги муаммоларни бартараф этиш ва унинг дастлабки устувор йўналишларини аниқлаш шу куннинг долзарб муаммосидир.

АДАБИЁТЛАР

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиши ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори.*
2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги ПҚ- 1754- сонли қарори “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиши соҳасини ривожлантириши дастури тўғрисида”ги қарори.*
3. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрелдаги ПҚ-1957- сонли “2013-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасини қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиши ва сервис соҳасини жадал ривожлантириши юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори,*
4. *Ҳамидов О.Х. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришни бошқаришни такомиллаштириши: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2016 йил. 83-бет.*
5. *Чжан Цзянь-Цияннинг эрамиздан аввалги II-I асрларда Довонли давлатига саёҳати номли китобидан (Путешествие Чжан Цзянь-Циян по Даванцы II-I в.в. до нашей эры).*
6. *Баҳромзода Ў. Чодак (Қишлоқ тарихидан лавҳалар). 14-бет.*
7. *Ўзбекистон Республикаси “Туризм тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири, Тошкент шаҳри, 2019 йил 18 июль № ЎРҚ- 549.*